

ДАЪВО МУДДАТИ ТУШУНЧАСИ, АҲАМИЯТИ ВА МАЗМУНИ.

Миров Фарҳоджон Хошимжонович

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг судяси

farhodmirov@gmail.com

Аннотасия: Ушбу мақолада даъво муддати, унинг тушунчаси, аҳамаияти ҳамда мазмун-моҳияти кўриб ўтилади. Шу билан бирга, муаллиф даъво муддатини амалиётда қўллаш ба шартномалар бўйича тартибга солишни, шунингдек, даъво муддатининг келиб чиқиш тарихи, унга бўлган талабларни таҳлил қилади. Мақолада норматив тартибга солишдан ташқари, низоларни судларда ҳал қилиш ҳам кўрсатиб ўтилади. Масалаларнинг қандай ҳал қилинишига мисоллар келтирилиб, таклифлар илгари сурилади.

Калит сўзлар: муддатлар, даъво муддати, муддат ҳуқуқи, ҳуқуқий ват, мулк дахлсизлиги, Қадимги Рим, процессуал ҳимоя қилиш воситаси, тўловга қобилиятсизлик, махсус даъво муддати.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқи бузилган шахсларнинг ўзларининг бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқларини даъво қилиш йўли билан ҳимоя қилиш ҳолатлари кўп учрайди. Даъво- {арз, шикоят, иддао} (1.ҳуқуқ) бузилган ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиш ёки уни ҳимоя этиш ҳақида ҳуқуқни ҳимояловчи ташкилотларга қилинадиган мурожаат, арз.¹ Бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилишни амалга оширишда қонунчилик ёки шартнома билан белгиланган муддатлар алоҳида аҳамият касб этади.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, ҳуқуқий муносабатларда вақт алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар қандай ҳуқуқий муносабат муайян давр мобайнида амал қилади. Ҳуқуқий муносабат давом этишининг муҳим омили ҳам айнан вақт ҳисобланади. Чунки, объектив реаллик вақтдан ташқарида мавжуд бўла олмайди.

Муддат ҳуқуқни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш, ҳуқуқий муносабатнинг вужудга келиши, ўзгариши ҳамда бекор бўлиши билан боғлиқ масалаларда ўзига хос ўринга эга. Ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг муайян вақт даврида амал қилиши ушбу ҳуқуқий муносабат иштирокчисига таъсир кўрсатиш имконини берувчи муҳим ҳуқуқий восита ҳисобланади.

Юридик адабиётларда муддатлар масаласига кўплаб олимлар тўхталиб ўтган. Муддатлар – “вақт”, “давр оралиғи”, “ҳуқуқий алоқалар” сифатида ўрганилади. “Вақт” тушунчаси, қоида тариқасида, хронология (ҳисоб-китоб

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. www.ziyouz.com kutubxonasi.

асосида ҳам вақт ётади) ва хронометрия (асосида вақтнинг давомийлиги ётади)

н

у Баъзи ҳолларда моддий ҳуқуқ соҳасида субъектив ҳуқуқларнинг бузилиши рўй бериши мумкин. Масалан, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги тенглик (эквивалентлик)ни таъминлашда муддатлар асосий омиллардан бири саналади. Шунки, мажбуриятнинг ўз вақтида бажарилмаслиги, белгиланган пайтда ишнинг топширилмаслиги, пулнинг ўтказилмаслиги, хизматнинг кўрсатилмаслиги субъектлар ҳуқуқларининг бузилишига ва қонуний

м

а Муддатлар ушбу тадқиқот доирасида айнан ҳуқуқий соҳа нуқтаи назаридан тадқиқ этилиши зарур. Юридик адабиётларда қайд этилишича, муддатлар фуқаролик ҳуқуқи иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини барқарорлаштиришда, унинг субъектлари ўзаро алоқасини шўътадиллаштиришда, энг муҳими, ҳуқуқдор шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ўз вақтида ҳимоя қилишда муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда муддатларнинг қўлланиши, ўз навбатида, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини қондиришда

р

и Бу ўринда асосий эътибор айнан фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳуқуқфаза қилишга қаратилганлигига урғу берилади. Зеро, айнан ушбу жиҳат фуқаролик-ҳуқуқий муносабатда муддат тушунчасининг моҳиятини яққол кўрсатади.

б И.И.Полякованинг фикрича, ҳуқуқий вақт - бу аниқ бир воқеа, ҳаракат, ҳолатнинг давомийлиги, келиб чиқиши ва тугаш чегаралари ёки уларни аниқлаш имкониятини беради, ягона ва барқарор ҳуқуқий фаолият ҳамда амалиётни

б

в Даъво муддати деб шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво қўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўладиган муддатга айтилади. Мазкур таърифдан шўриниб турибдики, шахс ўз ҳақ-ҳуқуқларидан маҳрум этиши мумкин бўлган ҳолатлар вужудга келганда ушбу ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши учун даъво қўзғатиши мумкин бўладиган, қонунчиликда, шартномада ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда муайян вақт даври билан ўлчанадиган муддат даъво муддати дейилади.

д Даъво муддати бу манфаатдор шахс ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун судга

а

² Ткач А.С. К вопросу о понятии и значении правового срока // Вестник КГУ № 2, 2020. -225-6.

³ Имомов Н.Ф. Фуқаролик ҳуқуқида муддатлар ва даъво муддати. Т.: ТДҶОИ, 2005. 3-б. (132-б.)

⁴ Ибратова Ф. Фуқаролик ҳуқуқий муддатларнинг аҳамияти, моҳияти ва муаммолари: Юрид. фан. номз. дисс. ...Автореф. –Тошкент: ТДҶОИ, 2008. 3-б.

⁵ Полякова И.И. Процессуальные сроки в структуре процессуального производства: общетеоретический аспект // Юриспруденция как интегративный феномен современного российского общества и государства. 2018. С. 333–338.

и

мурожаат қилиши мумкин бўлган муддат эмас. Даъво билан судга унинг муддати тугаганидан кейин ҳам мурожаат қилиш мумкин. Бу муддатнинг тугаши ҳуқуқнинг ўзини тугашига олиб келмайди. Шунинг учун қарздор даъво муддати т

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўнинчи бобида инсон ҳамда фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари мустаҳкамланган. Ушбу бобда кўрсатилишича, "давлат инсон ҳамда фуқаронинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди. Ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланади, давлат органларининг ёхуд улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши ҳуқуқига эга". Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн иккинчи боби 65-моддасига кўра эса хусусий мулк дахлсизлиги, мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмас.

й Инсон ҳуқуқларининг дахлсизлиги ва уларнинг ҳимоя қилинишини қонуний тарзда давлат томонидан кафолатланганлиги, мамлакатимизда шахснинг бузилган ҳуқуқини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилишидан далолат беради.

и Ушбу кафолатни таъминланишида, даъво муддати алоҳида аҳамият касб этиб, юқорида айтиб ўтилганидек даъво муддати шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво кўзгатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўладиган муддатдир. Даъво муддати субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя этиши ўчун шахсга бериладиган сўнгги имконият деб баҳолаш мумкин бўлиб, у вақт рралигида шахс ўз ҳуқуқларининг амалга оширилишини талаб қилмаса, даъво муддатини ўтказиб юбориш ва бунинг натижасида даъво талабларининг рад қилинишига олиб келиши мумкин.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тизимида мажбуриятлар вужудга белиши, уларни амалга ошириш, бажариш ва уларнинг бузилишини олдини олишни таъминловчи механизмлар муҳим аҳамият касб этади.

ж Тарихан келиб чиқишига кўра даъво судга мурожаат қилиб, фуқаролик даъвосини очиш, ҳуқуқ ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларни ҳимоя қилиш усулларида бири ҳисобланади. Даъво тушунчаси том маънода ҳақиқатни и

Л
6 Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексига шарҳ. 1-жилд. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академига, юридик фанлар доктори, профессор Х.Р.РАХМОНҚУЛОВ, юридик фанлар доктори, профессор О.О.ОҚҮЛОВ таҳрири остида. Тошкент. "VEKTOR-PRESS". 2010. www/osce.org/files/f//documents/8/7/74875.pdf

излашни, яъни суд орқали ҳимоя қилинишга эришишга доир ҳаракатлар мажмуини ўз ичига олади. Ҳаттоки қадимги римликлар шахсий ҳуқуқларнинг суд орқали ҳимоя қилиниши уларнинг қиймати ва аҳамиятини оширади деб ҳисобланганлар. Рим ҳуқуқига кўра даъво муддати манфаатдор шахснинг муайян муддат давомида ўз ҳуқуқларини ҳимоясини амалга оширмаганлиги оқибатида ҳуқуқ ҳимоясини амалга оширишнинг процессуал имкониятларининг йўқотшини аниқлаган. Одатда муддат тушунчаси қонунларда муайян ҳуқуқни вужудга келиши ёки унинг йўқолишига олиб келадиган вақт даврини белгилаш учун қўлланилишига эътибор қаратиш лозим бўлади.

Даъво муддати фуқаролик муносабатларининг ривожланишида, мажбуриятларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминлашда, икки ва ундан ортиқ шахслар томонидан шерикчилик асосида ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига бўлган ишончни шакллантиришда ҳамда пировард натижада субъектлараро иқтисодий муносабатларнинг рағбатлантирилишида катта амалий аҳамият касб этади.

Субъектив фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ва мажбуриятни бажариш муддатлари мулкӣ ва шахсий-номулкӣ муносабатларнинг алоҳида алоҳида турларини тартибга солувчи тегишли ҳуқуқ меъёрлари билан белгиланади. Худди шундай меъёрлар билан баъзан субъектив фуқаролик ҳуқуқлари бузилганда амалга ошириладиган ҳимоя чоралари қўлланилиши мумкин бўлган муддатлар ҳам аниқланади. Бундай муддатлар фуқаролик ҳуқуқида даъво муддатлари деб юритилади. Умумий қоидага кўра, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муддатларининг бир тури ҳисобланган даъво муддатининг асосий ва тўлиқ ҳолати унинг барча фуқаролик ҳуқуқий

Шуни қайд этиш лозимки, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тизимида катта ўринни эгаллайдиган мулкӣ муносабатларни тартибга солишда даъво муддатлари қонун билан белгиланиши муҳим аҳамият касб этади. Даъво муддатининг белгиланиши жамият ҳаётида катта ўринни эгаллайдиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни мустаҳкамлашга, қарзнинг ундирилиши, мажбуриятнинг бажарилиши тўғрисидаги талаблар ўз вақтида бажарилишини таъминлашга, фуқаролик муносабатлари субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар қилинишини тезлатишга, шартнома ва молия интизомига риоя этилишини таъминлашга, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Қайд этиб ўтилган ҳолатлар даъво муддати белгиланиши фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари субъектлари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни мустаҳкамлашда ҳам катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Д

а

⁷ Фуқаролик ҳуқуқи I-қисм, И.Б.Зокиров Тошкент 2009 йил, 338-бет

Даъво муддатининг аҳамияти ва зарурати бир қатор омиллар билан белгиланади. Бундай омиллар сифатида ҳуқуқий тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш, ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини ошириш, ҳуқуқлардан ўз вақтида самарали фойдаланиш ва ҳ.к. кўрсатиш мумкин. Даъво муддатининг белгиланиши орқали ҳуқуқий муносабат иштирокчилари рағбатлантирилади, ўз вақтида ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишга эътиборли бўлишига эришилади.

Даъво муддати узоқ вақт тарихий ривожланиш жараёни билан боғлиқ бўлиб, унда унинг асосий моҳияти деярли ўзгармаган. Хусусан, Қадимги Римда даъво муддати агар муайян вақт оралиғида манфаатдор шахс томонидан ушбу ҳуқуқ амалга оширилмаса, ҳуқуқни процессуал ҳимоя қилиш имкониятини бекор б

Ҳозирги кунда ҳам даъво муддати ўзининг тарихан шаклланган аҳамиятини сақлаб қолган бўлиб, Қадимги Римдагидан фарқли равишда миллий қонунчилигимиз даъво муддатига доир ушбу масалани муддат ўтган бўлган ҳолатда ҳам судда кўриш учун қабул қилинишини назарда тутди.

Даъво муддати суд орқали ҳимояланишнинг муҳим воситаси сифатида келгусида ушбу ҳуқуқдан маҳрум бўлиш хавфи остида турли ҳуқуқ соҳаларида, шу жумладан моддий ҳуқуқ соҳасида ҳам, процессуал ҳуқуқ соҳасида ҳам алоҳида тадқиқ этишга эътибор қаратилган. Миллий ҳуқуқ тизимида даъво муддати фуқаролик ҳуқуқи институти сифатида моддий ҳуқуқда ўрганилади.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасининг “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонуни 17-моддасининг олтинчи қисмига кўра, агар кредиторлар йиғилишининг қарори тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузса, бундай қарор суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Кредитор ва (ёки) тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи бошқа шахс қабул қилинган қарор ҳақида билган ёки билиши керак бўлган кундан эътиборан йигирма кун ичида ариза бериши мумкин. Қонунда берилган ушбу йигирма кунлик муддат бу каби муносабатлар учун жуда қисқа ҳисобланиши, шахсларнинг ҳуқуқларни ҳимоя қилишда шунга ўхшаш муносабатлар учун 2 ой белгиланганлигидан келиб чиқиб, ушбу муддатни ҳам 2 ой этиб ўзгартириш мақсадга мувофиқ бўлади.

⁸ Фаршатов И.А. Исковая давность. Законодательство: теория и практика. – М.: Городец, 2004. – С. 192.

Адабиётлар:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. www.ziyouz.com kutubxonasi.
2. Ткач А.С. К вопросу о понятии и значении правового срока // Вестник КГУ № 2, 2020. -225-б.
3. Имомов Н.Ф. Фуқаролик ҳуқуқида муддатлар ва даъво муддати. Т.: ТДЮИ, 2005. 3-б. (132-б.)
4. Ибратова Ф. Фуқаролик ҳуқуқий муддатларнинг аҳамияти, моҳияти ва муаммолари: Юрид. фан. номз. дисс. ...Автореф. –Тошкент: ТДЮИ, 2008. 3-б.
5. Полякова И.И. Процессуальные сроки в структуре процессуального производства: общетеоретический аспект // Юриспруденция как интегративный феномен современного российского общества и государства. 2018. С. 333–338.
6. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексига шарҳ. 1-жилд. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академига, юридик фанлар доктори, профессор Х.Р.РАХМОНҚУЛОВ, юридик фанлар доктори, профессор О.О.ОҚҮЛОВ таҳрири остида. Тошкент. “VEKTOR-PRESS”. 2010. www/osce.org/files/f/documents/8/7/74875.Pdf
7. Фуқаролик ҳуқуқи I-қисм, И.Б.Зокиров Тошкент 2009 йил, 338-бет.
8. Фаршатов И.А. Исковая давность. Законодательство: теория и практика. – М.: Городец, 2004. – С. 192.